

улар орасида Мирзобек, Мир Дарвеш, Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммадлар номини алоҳида тилга олиб ўтади. Уларнинг вафот этганини айтиб, нурли хотирасига ҳурматини баён қилади ва руҳидан ўзига мадад тилайди.

“Наводир ун-ниҳоя” девонининг охириги варақларидан бирида Навоий ўзининг ёши, умрининг хуш пайтлари ўтиб кетгани тўғрисида бундай деб ёзган:

Менки, эллик йил чекиб ғам, топмадим хушвақтлик,
Топмаменму умрнинг эмдики, ўтмиш хушроғи [4].

Демак, девондаги ушбу ғазал ёзилганда Навоий 50 ёшга тўлган бўлган. Бошқа бир ғазалида шоир ўзининг туғилган йили ҳижрий тақвимда 844 йилга тўғри келишини, агар унга 50 қўшилса ($844+50=894$) 894 ҳосил бўлишини (бу милодий календарда 1488-89 йилга тўғри келади), шундан “Наводир ун-ниҳоя” – “Девони жадид”нинг тузиб тугалланган йили (1488-89) аниқланиши мумкинлигини билдириб ўтади. Азиз Қаюмов Навоийнинг ижодига назар ташлар экан, улуғ шоирнинг айрим ғазал ёки қитъалари яратилишига қайсидир бир воқелик асос бўлганини аниқлаб, уларни янада чуқурроқ ўрганишга эътибор қаратган.

“Бадое ул-васат” девонидаги қитъаларда Навоийнинг ўз шеърлари миқдори, байтларининг сони тўғрисида билдириб ўтган маълумотлари ҳам шоир биографиясини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳақда шоир ёзади:

Эй Навоий, сўз ила анча гуҳар сочингим,
Баҳру кон кирди қора ерга сенинг килкингдан.
Бирига ё ўнига, ё юзига, ё мингига
Дегай эл, найлагай ортуқ эса эллик мингдин.

Ёки яна:

Навоий шеъри тўққуз байту, ўн бир байт, ўн уч байт,
Ки лавҳ узра қалам зийнат берур ул дурри макнундин.

Кўриняптики, Навоий ўз шеърларининг эллик минг мисрадан ортиқлигини, тузилишига кўра тўққиз, ўн бир, ўн уч байт кўринишида эканини шахсан таъкидлаб ўтмоқда.

Хулоса. Алишер Навоий ижоди Азиз Қаюмов тадқиқотларининг асосий диққат марказидан ўрин эгаллаган. Олим кўп йиллик илмий изланишлари давомида улуғ шоир меросига ҳурмат ва ихлос билан назар солиб, унинг форсий, арабий, туркий ғазалларидан тузилган ҳар бир девони-ю “Хамса” таркибидаги дostonларидан тортиб, насрий, илмий асарларигача таҳлил ва тадқиқ этишга эришди. Азиз Қаюмовнинг кўпгина китоб ва мақолаларида Алишер Навоий асарларининг бадиий хусусиятлари, нозик қирралари шоирнинг биографиясига таяниб очиб берилгани муҳим жиҳат сифатида кўзга ташланади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Қаюмов А.** Асарлар. 2-жилд. Навоийнинг “Қуш тили” достони. Гўзалликлар ва нодирликлар (Навоийнинг “Бадое ул-бидоя” ва “Наводир ун-ниҳоя” девонлари тўғрисида). – Тошкент: Мумтоз сўз, 2008. – Б. 170.
2. **Қаюмов А.** Асарлар. 2-жилд. Навоийнинг “Қуш тили” достони. Гўзалликлар ва нодирликлар (Навоийнинг “Бадое ул-бидоя” ва “Наводир ун-ниҳоя” девонлари тўғрисида). – Тошкент: Мумтоз сўз, 2008. – Б. 171-174.
3. **Қаюмов А.** Асарлар. 2-жилд. Навоийнинг “Қуш тили” достони. Гўзалликлар ва нодирликлар (Навоийнинг “Бадое ул-бидоя” ва “Наводир ун-ниҳоя” девонлари тўғрисида). – Тошкент: Мумтоз сўз, 2008. – Б. 301.
4. **Қаюмов А.** Асарлар. 2-жилд. Навоийнинг “Қуш тили” достони. Гўзалликлар ва нодирликлар (Навоийнинг “Бадое ул-бидоя” ва “Наводир ун-ниҳоя” девонлари тўғрисида). – Тошкент: Мумтоз сўз, 2008. – Б. 315.

УДК: 398.61.001.32(575.1)(043.3)

ТОПИШМОҚЛАРДА МЕТАФОРА

МЕТАФОРЫ В ЗАГАДКАХ

METAPHORS IN RIDDLES

Жўраева Мунис Юнусовна

ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти, фольклор бўлими катта илмий ходими, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Таянч сўзлар: топишмоқ, метафора, поэтика, ўхшатиш, тасвирий восита, қиёслаш, аллитерация, предмет.

Ключевые слова: загадка, метафора, поэтика, уподобление, изобразительное средство, сравнение, аллитерация, предмет.

Key words: riddle, metaphor, poetry, simile, stylistic devices, comparison, alliteration, subject.

Ушбу мақолада бадиий тасвир воситаларидан бири метафоранинг ўзбек халқ топишмоқларида қўлланилиши хусусида фикр юритилган. Топишмоқларда метафора бадиий-эстетик вазифани бажарганлиги ёритилган.

В данной статье определены особенности использования одного из художественных изобразительных средств – метафоры - в узбекских народных загадках. Автор утверждает, что метафора в загадках выполняет художественно-эстетическую функцию.

The article is about the use of metaphor, one of the expressive artistic stylistic devices in Uzbek folk riddles. It is underlined that in the riddles metaphor fulfils artistic-aesthetic functions.

Кириш. Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарлари кўҳна ва боқий маънавиятимиз кўзгуси, ажодларимиз бадиий тафаккурининг маҳсулидир. Ёш авлодни ажодларимиз томонидан яратилган эзгу анъаналар руҳида камол топтиришнинг асосий таянчларидан бири ҳисобланган номоддий маданий мерос дурдоналари орасида ўзининг таълим-тарбия тизимида жуда яқинлиги ва халқнинг дидактик қарашларини ихчам бадиий шаклда ифода этган топишмоқ жанри алоҳида ўрин тутди. Бадиий сўз санъатининг ўзига хос ҳосиласи тарзида тараққий этиб, такомиллашиб, яхлит поэтик тизимга айланган ўзбек халқ топишмоқлари халқ оғзаки ижодининг энг қадимий, энг оммавий жанрларидан бири бўлиб, халқнинг бадиий тафаккур дурдонаси сифатида узоқ йиллардан буён авлоддан-авлодга ўтиб, ўзининг таълимий-тарбиявий аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Маълумки, у ёки бу жиҳати билан бир-бирига ўхшаш бўлган турли-туман нарсаларни қиёслаш анъанаси топишмоқ жанрига мансуб фольклор асарларининг асосий моҳиятини ташкил этади. Топишмоқлар асосини ташкил этган ўхшатиш шунчаки оддий қиёслаш маҳсули эмас. Бундай муқояса қилишда халқимизнинг ўй-хаёллари, қадимий тасаввур-тушунчалари, кундалик турмуш тарзи, урф-одатлари-ю, маросимларда ўз ифодасини топган беқиёс бадиий салоҳияти, юксак ақл-заковати намоён бўлади.

Биламизки, топишмоқларда табиат ва жамиятдаги жонли, жонсиз предметлар, ҳодисалар номи ошқора айтилмай, унга маълум бир жиҳати ўхшаш бўлган бошқа предмет ёки ҳодисанинг белги хусусияти метафорик йўл билан қиёсланади. Топишмоқнинг асоси саналмиш жавобини топиш учун бола ақлан изланади, нарсалар ва ҳодисаларнинг ўхшаш томонларини таққослайди. Бунинг натижасида бола топишмоқ жавобини топиш билан бирга ўзига нотаниш бўлган янги маълумотни билиб олади. Шу билан биргаликда топишмоқда қиёсланган нарсалар-предметларни номлашда қўлланилган луғавий бирликлар, сўзларнинг ранг-баранглиги нутқнинг бадиийлигини таъминлайди.

Асосий қисм. Халқ оғзаки ижодининг ҳар бир жанрида ижодкор халқ томонидан идрок этилган воқеликни бадиий сўз санъатининг турли усул ва воситалардан фойдаланилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, ҳажман ихчам саналган топишмоқларда ҳам ўзига хос поэтик маҳорат мавжудлиги халқимизнинг бадиий даҳоси нақадар юксак эканлигидан далолатдир.

Топишмоқларда инсонга таниш бўлган нарсалар ва ҳодисалар яширин ҳолда тасвирланади. Топишмоққа хос бўлган бу хусусиятнинг бўёқдорлигини унда қўлланилган бадиий тасвирий воситалар таъминлайди ва унинг бадииятини янада кучайтиради.

Топишмоқларда метафора, муболаға, сифатлаш, ўхшатиш, аллитерация, такрор, талмех, жонлантириш каби бадиий восита ва усуллар жуда кенг ўринни эгаллайди. Улар топишмоқнинг бадииятини оширишга хизмат қилади. Бу борада қатор изланишлар мавжуд [1-6]. Топишмоқдаги асосий бадиий воситалардан бири метафора бўлиб, образлиликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Карелья халқлари топишмоқларини ўрганган Н.А. Лавонен топишмоқлардаги метафора ҳақида “Агар эпик асарларда метафора бошқа поэтик троплар билан бир қаторда

турса, топишмоқларда эса метафора устун туради” [7], деб Аристотелнинг топишмоқни “яхши тузилган метафора” деган таърифини келтиради [7]. Чиндан ҳам бадийлиги жиҳатдан энг мукамал топишмоқлар метафорали топишмоқлардир.

Метафора асосида яширин ўхшатиш ётади. Бу ўхшатишда ўхшатилаётган нарса тилга олинмайди. Унинг нима эканлигини ўхшаётган нарса билдиради. Аниқроғи, қиёсланган нарса-ҳодиса айнан ўхшаш эмас, балки унинг маълум бир белги хусусияти асос учун олинади. Шу жиҳатдан қараганда метафора аксарият топишмоқларнинг асосини ташкил этади.

Топишмоқлардаги метафора нарса-ҳодисалар орасидаги қиёсга асосланар экан, бу ўхшатиш тўғридан-тўғри бир нарсанинг иккинчи нарсага таққосланиши эмас, балки турли метафорик усуллар орқали намоён бўлади. Масалан, *Йўл устида узун арғамчи* [8]

Илон ҳақидаги бу топишмоқда илон жумбоқланган нарса бўлса, унинг кўчими – қамчи. Илоннинг ташқи кўринишига хос бир белгиси арғамчига қиёсланган.

Бир ғазнам бор тўлмайди,

Бир кун канда бўлмайди. (Оғиз) (34-б)

Ушбу топишмоқда жумбоқланган нарса оғиз. Кўчими – ғазна. Оғизнинг кўриниши эмас, унинг ҳолати, организмдаги вазифаси, яъни одам озиқ-овқатларни айнан оғзи орқали истеъмол қилиши, маълум маънода организмнинг соғлиги оғизга боғлиқлиги каби хусусиятлари кўчим сифатида олинган.

Баъзи бир топишмоқларда икки қиёсланган нарса-ҳодисаларнинг биргина белги-хусусияти эмас, бир неча уларга хос белгиларнинг намоён бўлишини учратиш мумкин. Масалан, *Сандиқ тўла оқ садаф* (Оғиз, тиш) (36-б).

Келтирилган топишмоқ оғиз, тиш ҳақида бўлиб, топишмоқда сандиқ ва оқ садаф оғиз ва тишнинг кўчими бўлиб келган. Топишмоқда сара нарсалар сақланадиган уй-рўзгор буюми бўлган сандиқнинг вазифаси оғизга қиёсланган. Тишларнинг кўриниши, ранги, қимматбаҳо тошдек қадрлилиги эса оқ садафга ўхшатиш. Топишмоқдаги кетма-кет келган иккала метафорик кўчим бири иккинчисининг маъносини тўлдириб, бир бутун бадийлашган ҳолатни акс эттирган.

Топишмоқларда баъзан биргина сўз бир неча маъно хусусияти билан акс этади. Масалан, олтин сўзини оладиган бўлсак, ушбу метафорик топишмоқларда турли белги-хусусияти билан намоён бўлади.

Ер тагида олтин қозиқ. (Сабзи)(100-б).

Сабзи ҳақидаги ушбу топишмоқда олтиннинг сариқлиги сабзи рангига қиёсланади.

Олтиндир, олтинга сотилмас. (Вақт) (24-б).

Бу топишмоқда жумбоқланган нарса – вақт. Кўчими эса – олтин. Олтиннинг кўриниши, ранги-туси эмас, қимматбаҳолиги вақтга қиёсланапти. Қизиғи шундаки, ушбу топишмоқда олтин ҳам ўз маъносида ҳам кўчма маънода келган. Кўчма маънода унинг қимматлилиги, қадрлилиги вақтга ўхшатиш бўлса, у шу қадар қимматки, ҳатто энг қимматбаҳо қиймат – олтинга сотиб олиб бўлмаслигидаги олтин сўзи ўз маъносида қўлланилган.

Битта топишмоқда бир-иккита эмас, баъзан бир неча нарса-ҳодисалар метафорик кўчим воситасида жумбоқланган. Масалан:

Бир гуппи,

Тўрт таппи,

Икки ёруғ юлдуз,

Бир қамчи (49-б).

Топишмоқда туянинг тўрт аъзоси: ўркачи кўчими – гуппи, оёқлари кўчими – таппи, кўзлари кўчими – юлдуз, думи кўчими–қамчи. Буларнинг ҳаммаси яхлит тасаввур қилинганда, жавоби – туя образи гавдаланади.

Бир топишмоқда бирийўла олти нарса яъни одам бошидаги олти аъзо метафорик кўчим билан жумбоқланади.

Ўра, ўранинг юқорироғи шўра.

Шўранинг юқорироғи булоқ,

Булоқнинг юқорироғи чироқ,

Чироқнинг юқорироғи қалам,

Қаламнинг юқорироғи чангал. (38-б)

Топишмоқдаги ўра – оғиз, шўра – соқол, мўйлов, булоқ – бурун, чироқ – кўз, қалам – қош, чангал – соч.

Баъзи бир топишмоқларда предметнинг ўзи йўқ, от сўз туркумига оид бўлиб эмас ёки эга вазифасида келмайди, яъни айнан бир предмет иккинчи бир предметга қиёс қилинмайди. Балки жумбоқланган нарсга одамга хос ҳаракат сифатида тасвирланади. Масалан, “Кундузи роҳатда, кечаси меҳнатда” (127-б) топишмоғининг жавоби кўрпа. Топишмоқда кўрпанинг кундузи йиғиштириб қўйилгандан кейин бир жойга тахланиб, қимирламай туриши одамнинг роҳатда, ором олишига ва кечки пайт кўрпанинг ишлатилиши одамнинг меҳнат қилиш пайтига кўчма маънода ифодаланган.

Топишмоқлар икки: савол ва жавоб қисмидан ташкил топганлиги боис метафорик кўчимнинг маъноси топишмоқнинг жавоб қисмида англашилади. Топишмоқда жумбоқланган нарсга-ҳодиса ё бутунлигича, ё қайсидир жиҳати билан албатта, иккинчи бир предметга қиёсланган кўчимга эга бўлади.

Хулоса. Бир сўз билан айтганда, метафора топишмоқнинг образлилигини, бадиийлигини оширишга хизмат қилади. Шу билан биргаликда айтиш мумкинки, метафорик топишмоқларда жумбоқланган жавобни топиш анча мушкул. “Топишмоқ – бу оддий метафорик берилган савол эмас, биз уни айёрона тузилган савол, деб айтар эдик”(9), дейилиши бежиз эмас. Метафорик топишмоқларнинг ранг-баранглиги, улардаги кўчимнинг табиати мураккаблиги боис бундай топишмоқлар жавобини топиш кишидан анча билим, тасаввур олам кенглигини, турли нарсаларни поэтик идрок эта билиш, англаш, чуқур фикрлашни талаб қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Хусаинова З.** Ўзбек топишмоқлари. – Тошкент: Фан, 1966. – Б.112.
2. **Хусаинова З.** Халқ топишмоқларидаги бир бадиий восита //ЎТА. - 1984. – 1-сон. – Б. 36-40.
3. **Хусаинова З.** Топишмоқларда эпитет //ЎТА. – 1988. – 1сон. – Б. 54-56.
4. **Қобулова У.С.** Метафорик матнда интеграл ва дифференсгалар муносабати (Ўзбек топишмоқлари мисолида): филол. фан.номз.дисс...автореф. – Тошкент, 2007. – Б. 53.
5. **Қобулжоннова Г.** Метафораларнинг системавий-лисоний талқини (Ўзбек топишмоқлари мисолида): филол.фан.номз.дисс...автореф. – Тошкент, 2006. – Б. 55.
6. **Мадаев О.** Ўзбек халқ оғзаки ижоди. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2010. – Б. 91-94.
7. **Лавонен Н.А.** Карельская народная загадка. – Ленинград, 1977. – С. 88.
8. Топишмоқлар. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Нашрга тайёрловчи: Хусаинова З. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1981.– 65-б. (Мақоладаги барча топишмоқлар шу манбадан олинган, кейинги ўринларда бетлари берилган.)
9. **Кравцов Н.И., Лазутин С.Г.** Русское устное народное творчество. – М., 1971. – С. 86.

UDK: 891.709

MASHRAB G'AZALLARIDA MANSUR HALLOJ SIYMOSI

ОБРАЗ МАНСУРА ХАЛЛОЖА В ПОЭЗИИ МАШРАБА

THE IMAGE OF MANSOUR HALLAZH IN MASHRAB'S POETRY

Amonova Zilola Qodirovna

BuxDU o'zbek adabiyoti kafedrasi dotsenti

Tayanch so'zlar: Sharq mumtoz adabiyoti, tasavvuf, hallojlik, Anal-haq, Mansur Halloj, Mashrab.

Ключевые слова: восточная классическая литература, суфизм, Анал-хак, Мансур Халлож, Машраб.

Key words: Eastern classical literature, sufism, religious beliefs, Mansur Halloj, Anal-haq, Mashrab.

Maqolada Mashrab g'azallarida Mansur Halloj va uning "Anal-haq" g'oyasi ta'siri yoritilgan.

В статье рассматривается влияние идей Мансура Халложа на творчество Машраба.

The article describes Mansur Halloj and his religious beliefs in Mashrab's poetry.